

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«КЕЛИШИЛДИ»

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги



2020 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети ректори



2020 й.

**5230100 –Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим
йўналиши негиздаги:**

- 5A230101 -Иқтисодий назария
- 5A230102 -Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- 5A230103 -Макроиқтисодиёт
- 5A232301 -Минтақавий иқтисодиёт
- 5A232401 -Иқтисодий хавфсизлик
- 5A230501 -Божхона иши (фаолият турлари бўйича)
- 5A230302 -Бизнес бошқариш (Master of Business Administration-MBA)

**магистратура мутахассисликларига кирувчиларучун махсус
(ихтисослик) фаиларидан**

ДАСТУР

Тошкент - 2020 й.

Аннотация

Дастур 5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишининг 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Хотамов И.С – ТДИУ “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.

Хажиев Б.Д. – ТДИУ “Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.

Асқарова М.Т. – ТДИУ “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.

Дастур Иқтисодиёт факультетининг 2020 йил 22 июндаги № 10 сонли Кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши – иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у турли мулк шакллариغا тегишли тармоқ, соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва суғурта муассасалари, давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, академик ва тармоқ, илмий тадқиқот ташкилотлари, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларнинг иқтисодий, молия, маркетинг, ишлаб чиқариш – иқтисодий ва таҳлил хизматларини ўз ичига олади, тармоқлар ва корхоналарни ривожлантиришга, истиқболлини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услублари билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

- Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси - хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар; ежалаштириш ишларини ташкил этиш; хўжалик юритувчи субъектини хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истиқболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш; хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий фаолиятини оқилона ташкил этишда мамлакатимиз ва хориж тажрибасини ўрганиш; ишлаб чиқаришни технологик асосларини билиш; хўжалик юритувчи субъектларни техника-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва хўжалик фаолияти таҳлилини олиб боришда ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш; меҳнатни муҳофаза қилиш меъёр ва қоидаларига амал қилиш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш; замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга татбиқ этиш; фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш; бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш; фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш; ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий хизмат бўлинмаларини ташкил этиш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда янги товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг

намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллаш; бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфорацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш; замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш; қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш; ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш; лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш; мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар кўрсаткичлари ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш; таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш; ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш; илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда иқтисодиётнинг долзарб йўналишлари юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш; тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш; янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш; бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши негизидаги 5A230101-Иқтисодий назария, 5A230102-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича), 5A230103-Макроиктисодиёт, 5A232301-Минтақавий иқтисодиёт, 5A232401-Иқтисодий хавфсизлик, 5A230501-Божхона иши (фаолият турлари бўйича), 5A230302-Бизнес бошқариш (Master of Business Administration-MBA) магистратура мутахассисликларига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 3 та ихтисослик фанлари бўйича: “Индустриал иқтисодиёт”, “Макроиктисодий таҳлил”, “Глобал иқтисодий ривожланиш” ва 2 та умумқасбий фанлар бўйича: “Инновацион иқтисодиёт”, “Инвестицион лойиҳалар таҳлили” тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида камраб олинган маълумотлар куйида батафсил келтирилган.

ИНДУСТРИАЛ ИҚТИСОДИЁТ фани бўйича:

Саноат ва унинг миллий иқтисодиёт ривожигаги роли ва ўрни. Саноат-моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи. Меҳнат куроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарувчи соҳа. Саноат ва аҳолининг иш билан бандлиги масаласи. Саноатнинг тарихий ривожланиш йўллари ва асосий яқунлари. Ўзбекистон Республикаси саноатининг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг динамикаси. Ижтимоий меҳнат тақсимооти ва саноат тармоғининг шаклланиши. Саноат тармоғи тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар. Саноатнинг тармоқларга бўлиниши ва тармоқ тузилиши. Саноат тармоқ тузилишининг кўрсаткичлари. Саноат тармоқ тузилмасининг прогрессивлик мезони. Саноат тармоқ тузилишини белгиловчи омиллар. Тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий тенденцияси. Саноатнинг замонавий тармоқ тузилмаси ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги яқин ва узоқ истиқболдаги устувор вазифалар. Хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожига йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш. Давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш. Давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш. Бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатида. Саноатни ва умумий иқтисодни илмий асосда бошқаришни уюштириш. Саноатни илмий бошқаришнинг муҳим муаммолари. Бошқарувнинг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари. Бошқарувнинг асосий тамойиллари ва усуллари. Бозор талабларига мослаштирилган прогнозларни ишлаб чиқиш. Саноатда барқарорлик тамойили. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш. Бошқаришнинг илмийлилик, тежамкорлик, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойиллари. Саноат бошқарувининг иқтисодий, ижтимоий, руҳий ва ҳуқуқий усуллари. Бошқарувнинг замонавий тузилиши. Бошқаришни такомиллаштиришнинг замонавий асосий йўналишлари. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида корхонанинг фаолияти. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти, мезонлари ва кўрсаткичлари. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва солиштирма иқтисодий самарадорлиги. Харажатларнинг қопланиш даври - инновацион ечимларни, харажатлар самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи сифатида. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари. Асосий фондларнинг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари. Асосий фондлар тузилмасининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири. Асосий фондларни баҳолаш, эскириши ва таъмирлаш. Асосий фондлар амортизацияси ва амортизация ажратмалари. Амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари. Асосий фондларни корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати билан алоқаси. Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш услуги. Корхона асосий

фондлари ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилаш йўллари. Айланма маблағлар тушунчаси, уларнинг таркиби ва тузилмаси. Корхона айланма маблағларининг асосий воситалардан фарқи. Бозор муносабатлари шароитида айланма маблағларни шакллантириш манбалари. Айланма маблағларни корхонанинг иқтисодий барқарорлигига таъсири. Айланма маблағларни меъёрлаштириш. Корхонанинг айланма маблағларга бўлган талабини ҳисоблаш. Корхонанинг қарзга олинган ва хусусий айланма маблағлари. Корхонанинг ишлаб чиқариш захиралари. Захиралар турлари ва уларни ҳисоблаш услуби. Захираларни бошқариш ва моддий ресурсларни тежаш. Корхонада айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичларини ва уларни ҳисоблаш услуби. Корхонанинг айланма маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Ишлаб чиқариш харажатлари, фойда ва рентабеллик тушунчалари. Маҳсулот баҳоси ва таннархи. Маҳсулот таннархини режалаштириш ва калкуляцияси. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг таснифи. Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашнинг хориж тажрибаси. Фойда корхона фаолиятининг якуний натижаси сифатида. Фойданинг ишлаб чиқариш рентабеллиги балан алоқаси. Корхонада рентабелликни аниқлаш услуби. Фойдани максималлаштириш. Баҳо ва харажатлар таркибини ўзгаришининг фойдага таъсирини таҳлил қилиш. Ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш йўллари. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш стратегияси концепциясининг моҳияти. Мақсадларни шакллантириш тамойиллари. Ташқи муҳитни ҳисобга олиш ва уни баҳолаш усуллари, корхонанинг мақсадини аниқловчи омиллар. Рақобатчи фаолиятини таҳлил қилиш стратегияси. Атроф муҳитнинг ўзгариш суръатлари ва унинг корхонага таъсири. Мақсадлар дараҳти. Нархни шакллантириш мезонлари: аниқлик, қисқалик, ўлчовлилик, келишилганлик. Корхонани ривожлантиришнинг базавий стратегияси: ўсиш стратегияси (янги бозорга кириш, бозорнинг ривожланиши, географик экспансия ва фирмалараро ҳамкорлик, ташқи иқтисодий фаолият), барқарорлик стратегияси (иқтисод, стратегик силжиш), стратегияси (бошқариш тизимини қайта кўриш, молиявий қайта куриш, маркетингни қайта куриш). Мақсадни амалга ошириш кетма-кетлиги: қарор қабул қилиш; мақсадни баҳолаш; мақсаднинг кўйилиши, атрофни таҳлил қилиш, ресурс билан таъминлаш, қарорни амалга ошириш, амалга оширилган қарорни баҳолаш. Бошқариш зарурлиги, моҳияти ва объектив кераклиги. Бошқариш функциялари: режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик, координация, назорат. Бошқариш тамойиллари. Бошқариш усули. Корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишида ташкилий тузилма ва мазмуни. Тузилмалар тури: тўғри функционал, штабли. Вакиллик моҳияти. Корхона мақсад ва вазифаларига эришишида ходимлар мотивациясини бошқариш. Корхона рақобатбардошлигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ фани бўйича:

“Макроиқтисодий таҳлил” фанининг предмети ва объекти. Ижтимоий-иқтисодий ахборотларнинг шаклланиши ва уларнинг турлари. Макроиқтисодий кўрсаткичлар ахборот объекти сифатида. Макроиқтисодий таҳлилда ахборот технологиялардан фойдаланиш йўналишлари. Иқтисодий вазиятни мониторинг қилиш. Иқтисодиётда амал қилувчи сабабли-оқибатли механизмларни таҳлил қилиш. Молиявий оқимларни тадқиқ этиш асосида иқтисодиёт секторлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш. Иқтисодий сиёсатни тадқиқ этиш ва янги иқтисодий стратегия вариантларини ишлаб чиқиш (макроиқтисодий тузатишлар киритиш дастурларини ишлаб чиқиш). Ўзбекистонда макроиқтисодий таҳлилнинг ривожланиши.

Макроиқтисодий таҳлилнинг услуб ва тамойиллари. Миллий хўжалик ишлаб чиқаришининг чекланганлиги. Муқобил харажатлар. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг моделлари. Мақроиқтисодий таҳлил усуллари. Эконометрик усул. Регрессион ва корреляцион таҳлил. Автокорреляция. Регрессия тенгламаси. Жуфт корреляция. Ўзбекистонда макроиқтисодий таҳлилнинг илғор усулларида фойдаланиш. Макроиқтисодий таҳлилда миллий ҳисоблар тизимининг роли ва аҳамияти. Макроиқтисодий таҳлилнинг ахборот таъминоти. Миллий ҳисоблар тизимининг таркибий тузилмаси, уни ташкил этувчи бўлимлари. Миллий ҳисоблар тизимидаги кўрсаткичларнинг шаклланиши, уларни белгиловчи омиллар. Бевосита макроиқтисодий таҳлилда фойдаланилувчи иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва уларнинг миқдорий даражасини баҳолаш.

Макроиқтисодий таҳлилнинг миқдорий усуллари, эконометрик моделлар ҳақида тушунча ва уларнинг турлари, иқтисодий-математик моделлаштириш тамойиллари, макроиқтисодий таҳлилда корреляция-регрессия моделларини қўллашнинг моҳияти, таҳлилда фойдаланиладиган эконометрик моделларни таққослаш шартлари, уларнинг ишончилигини баҳолаш. Макроиқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган эконометрик моделларни тузилишининг компьютер дастури, яппи ички маҳсулотни эконометрик моделлар асосида таҳлил қилиш. Кобба-Дуглас функцияси асосида макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш.

Иқтисодиётнинг реал сектори тушунчаси. Реал секторнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётни модернизация қилиш. Реал сектор ва иқтисодий ўсиш. “Миллий ишлаб чиқариш соф маҳсулотлари” тушунчаси. Реал агрегатлар. Номинал агрегатлар. Истеъмол нархлар индекси. ЯИМ дефлятори. Соф хориж даромади, яппи миллий ихтиёридаги даромад. Ташқи баланс. Хусусий секторда капитал қўйилмаларни аниқловчи омиллар. Жорий давр баҳолари. Инфляцияни прогнозлаш. Таннарх ошиши. Иқтисодиётнинг реал сектори таҳлили, институционал секторлар, юридик шахслар. Уй хўжаликлари. Эконометрик моделлар. Макроиқтисодий агрегатлар тушунчаси ва макроиқтисодий таҳлил. Макроиқтисодий прогнозлаш.

Макроиктисодий мувозанат тушунчаси. Макроиктисодий мувозанатнинг классик модели. Кейнсча макроиктисодий модел: асосий қонун ва ҳулосалар. Кейнсча моделда истеъмол ва жамғарма функциялари. Кейнсча моделда инвестициялар функцияси. Кейнсча моделда миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми. Мультипликатор самараси. Тежамкорлик парадокси. Ўзбекистонда макроиктисодий таҳлилда классик ва кейнсча моделларнинг тадбиқ этилиши.

Пул-кредит сиёсатининг мақсади, мақсадли кўрсаткичлари ва асосий йўналишлари. Пул-кредит сиёсати воситалари ва уларнинг амал қилиш механизми. Пулга бўлган талаб, пул таклифи ва пул агрегатлари. Пул-кредит сектори таҳлили услубияти. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати ва пул-кредит секторининг таркиби таҳлили.

Фискал сиёсат, унинг воситалари. Фискал сиёсат воситаларининг ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсири. Давлат бюджети. Бюджет тақчиллиги. Давлат бюджети концепциялари. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш йўллари. Давлат қарзлари, унинг турлари ва оқибатлари. Давлат сектори тушунчаси, давлат операцияларини ўлчаш, давлат молияси статистикаси тизими. Даромадлар ва харажатлар таснифи. Бюджет баланси тушунчаси. Бюджет таҳлили. Бюджет дисбалансини ҳисоблаш. Камомадни молиялаштириш. Солиқ-бюджет сиёсатининг барқарорлиги. Даромадлар ва харажатлар таҳлили. Давлат сектори операцияларини башоратлаш. Даромадлар ва трансфертларни башоратлаш. Давлат харажатлари ва соф кредитлашни башоратлаш. Молиялаштириш манбаларини башоратлаш. Ўзбекистонда бюджет-солиқ сектори таҳлили.

Аҳолининг асосий категориялари. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг асосий турлари. Табиий ишсизлик даражаси. Ишсизлик оқибатлари. Ишсизликни бартараф этишнинг давлат сиёсати. Инфляция ва унинг кўрсаткичлари. Инфляция турлари. Инфляциянинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари. Инфляция харажатлари. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инфляция жараёнлари ва аксилинфляция сиёсати хусусиятлари. Ишсизлик даражаси ва инфляция суръати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Инфляцияга қарши сиёсат ва инфляцион таргетлашнинг аҳамияти.

Товар ва пул бозорларининг ўзаро боғлиқлиги. IS-LM модели ва унинг моҳияти. IS эгри чизиғи ва унинг ясалиши. LM эгри чизиғи ва унинг ясалиши. Товар ва пул бозори мувозанати.

Тўлов балансининг моҳияти. Тўлов балансини тузиш методологияси. Тўлов балансининг таркиби. Тўлов балансининг дефицити ва уни қоплаш усуллари. Валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар. Валюта сиёсати. Ўзбекистонда тўлов балансининг макроиктисодий таҳлили. Мамлакатнинг инвестицион позицияси.

Ички ва ташқи мувозанат: иқтисодий сиёсат муаммолари. Пул -кредит ва бюджет-солиқ сиёсатининг тўлов балансига таъсири. Қайд этилган алмашув курси шароитида ички ва ташқи мувозанат модели. Ролларни тақсимлаш қоидаси. Сузувчи алмашув курси шароитида иқтисодий сиёсат.

Ички ва ташқи мувозанат моделининг амалий қўлланилиши. Самарали иқтисодий сиёсатни юритишни қийинлаштирувчи омиллар.

Тармоқлараро баланс ҳақида тушунча, унинг таркибий тузилиши. Тармоқлараро балансдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар. Тармоқлараро балансдаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг миқдорий боғлиқлиги. Тармоқлараро балансдаги математик боғлиқликлар. Динамик тармоқлараро баланс меҳнат ва фондлар ҳаражатларининг иқтисодий таҳлили. Тармоқлараро балансдаги “ишлаб чиқариш – ҳаражат” модели таҳлили.

Инновация ҳақида тушунча. Инновацион фаолият иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли, унинг таркибий тузилиши, Инновацион иқтисодиёт бўйича хориж тажрибаси. Ўзбекистон илмий тадқиқот фаолиятининг ташкилий тузилмаси ва уларни молиялаштириш тизими таҳлили.

ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ фани бўйича:

“Глобал иқтисодий ривожланиш” фанининг предмети ва услублари. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви объекти ва субъекти. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ва даражалари. Жаҳон иқтисодиётни глобаллашувининг вужудга келиши ва ривожланишини шарт-шароитлари: технологик тараққиёт; капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашуви; халқаро бизнеснинг интеграциялашуви; жаҳон иқтисодиётининг эркинлашуви; халқаро молия институтлари фаолият доирасининг кенгайиши; глобал муаммолар томонидан хавфнинг кучайиши; миллий ва халқаро миқёсда сиёсий тизимларнинг ўзгариши. Глобаллашув тушунчасининг кенг ва тор маънодаги таърифи. Глобаллашув тушунчаларининг ривожланиш эволюцияси. Глобаллашув жараёни ва унинг чуқурлашув босқичлари: - интеграциялашув; – трансмиллийлашув; – глобаллашув. Глобаллашув турлари: сиёсий глобаллашув; иқтисодий глобаллашув; молиявий глобаллашув. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг намоён бўлиш шакллари. Глобаллашув жараёнининг иқтисодий, сиёсий, техник, эркинлашув омиллари. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг устувор йўналишлари. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви даражалари: мегадаража; макродаража; мезодаража; микродаража. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви кўрсаткичлари. “Глобал иқтисодий ривожланиш” фанининг умумиқтисодий ва мутахассислик фанлари билан боғлиқлиги, фаннинг вазифалари.

Глобаллашувга бағишланган илмий қарашларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Глобаллашув назарияларининг ривожланиш босқичлари: 1950-1990 йиллар (Р.Робертсон, М.Уотерс, Г.Тернборн, А.Зиновьев, И.Валлерстайн, Д.Мейер, Н.Луман). 1990-2000 йиллар (И.Валлерстайн, Г.Тернборн, М.Арчер, Р.Робертсон, М.Фезерстоун, А.Аппадурраи, Б.Тернер, А.Зиновьев, Н.С.Мироненко). 2000 йиллардан ҳозирга қадар (М.Кастельс, Л.Г.Гринин, Р.Робертсон). Глобаллашув жараёнининг ривожланиши. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви тўғрисидаги илмий концепциялар асосий йўналишлари: гиперглобал; скептик ва трансформацион. Гиперглобал илмий йўналиш вакиллари ҳисобланган К.Оман, Ф.Фукуяма ва Р.Райхнинг

иқтисодий қарашлари. Скептик илмий мактаб вакиллари С.Хантингтон, П.Хирст, Г.Томпсон, С.Краснерларнинг иқтисодий қарашлари. Трансформацион илмий мактаб вакиллари Дж.Розенау, Д.Хелд, А.Мак-Груларнинг илмий қарашлари. Рим клуби ва глобаллашув назарияларининг ривожланиши. Глобал иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари: “жаҳон тизимлари” назарияси (И.Валлерстайн); “умумжаҳон маданияти” назарияси (Р.Робертсон); “умумжаҳон бошқаруви” назарияси; “глобал капитализм” назарияси. “Вашингтон консенсус” ёки АҚШ иқтисодчиси Дж.Вильямсон томонидан ишлаб чиқилган “Жаҳон савдосини ислох этишнинг 10 тавсияси”: 1. Бюджет камомадини минималлаштириш; 2. Корхоналарга бериладиган субсидияларни минималлаштириш; 3. Солиқ базаси кенг, солиқ ставкаси эса паст бўлиши зарурлиги; 4. Фоиз ставкалари ички молия бозорлари томонидан белгиланиши зарурлиги; 5. Ривожланаётган мамлакатлардаги алмашув курси экспортни рағбатлантириши зарурлиги; 6. Ташқи савдо тарифлари минимал бўлиши зарурлиги; 7. Хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсати қабул қилиниши зарурлиги; 8. Хусусийлаштириш ҳар томонлама рағбатлантирилиши зарурлиги; 9. Давлат томонидан тартибга солишни минималлаштириш; 10. Хусусий мулк ҳуқуқи кафолатланиши ва кучайтирилиши зарурлиги. Дж.Ю.Стиглицнинг иқтисодий қарашлари. “Трансформацион йўналиш”и тарафдорларининг илмий қарашлари. XX аср бошларида Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви назарияларининг трансформациялашуви ва хусусиятлари.

Жаҳон иқтисодиётни глобаллашувини ҳаракатлантирувчи кучлари: капиталнинг концентрациялашуви ва марказлашуви, хўжалик ҳаёти транснационаллашуви – йирик трансмиллий компаниялар ва молия гуруҳларининг ривожланиши, жаҳон ва миллий даражадаги бозор рақобати, фан техника тараққиёти, технологик инновация тараққиёти, хўжалик ҳаётининг эркинлашуви, товар, хизмат ва капитал бозорларини тартибга солишнинг қисқариши. Жаҳон хўжалиги эркинлашуви жараёнининг кучайиши. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий механизмлари: 1. Жаҳон савдосида рақобатнинг кучайиши 2. Кўп миллатли ишлаб чиқаришнинг шаклланиши 3. Халқаро молия бозорларининг интеграциялашуви.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашув жараёнларининг вужудга келиши ва ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар: мамлакатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг кескин кучайиши; миллий иқтисодиётлар иқтисодий очиклигининг жадал суръатлар билан ошиши; халқаро савдо ва капиталнинг мамлакатлараро ҳаракати асосида жаҳон иқтисодиётининг миллий иқтисодиётга таъсирининг интенсивлашуви. Халқаро меҳнат тақсимооти янги сифатининг шаклланиши; Жаҳон молия бозорининг миллий сегментлари ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши ва глобал молия бозори шаклланиши; инфомацион ва телекоммуникацион тараққиёт; трансмиллий корпорациялар фаолиятининг глобал кенгайиши; ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлактларининг халқаро савдо, халқаро кредит, халқаро меҳнат миграцияси жараёнларига жалб этилиши; жаҳон иқтисодиёти

субъектлари таркибининг кескин мураккаблашуви; жаҳон иқтисодиётига янги ривожланиб бораётган йирик шаҳарлар (альфа шаҳар) таъсири кучайиши (Нью-Йорк, Лондон, Токио). Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг белгилари: халқаро меҳнат тақсимотидаги сифат ўзгаришлари; ТМК каби жаҳон иқтисодиёти субъектлари миқёси ва таъсир йўналишининг ўсиши; халқаро ва миллий даражада иқтисодиётни тартибга солиш тизимининг ўзгариши; халқаро иқтисодий ташкилотлар тизми шаклланиши ва бажарадиган функцияларининг ўзгариши; халқаро иқтисодий алоқалар жаҳон хўжалиги ҳаракат қилишининг муҳим шаклига айланиши.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви белгилари. ТМКларни жаҳон иқтисодиётида етакчи роль ўйнаши. Жаҳон хўжалиги муносабатларининг ички иқтисодий муносабатларга нисбатан етакчилиги (устуворлиги). Глобал ахборот-технологик тараққиётни чуқурлашуви. Илмий-техника тараққиётини ишлаб чиқаришни интеграциялашувини ҳамма томонларига универсал, кенг қамровли таъсири. Стандартларни уйғунлашуви (технологик, экологик, статистик, бухгалтер, молиявий ва бошқалар). Халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви қамровини турли шаклларда жаҳон миқёсида кенгайтиши ва интенсификациялашуви. Капиталнинг интеграциялашуви шакл ва механизмларининг глобал миқёсда кенгайтиши. Халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг жаҳон иқтисодиётини глобал тартибга солиш ролининг вужудга келиши (Умумжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқалар). Жаҳоннинг ҳамма муҳим иқтисодий минтақаларининг ҳудудий интеграция билан қамраб олиниши. Жаҳон иқтисодиётида интеграцион жараёнларнинг жадал сураётларда ривожланиши. Глобаллашув жараёнининг ривожланиш йўналишлари: бозорлар ва товарлар глобаллашуви.

Глобал муаммолар. Глобал муаммоларнинг белгилари. Глобал муаммоларнинг гуруҳланиши. Сиёсий глобал муаммолар (тинчликни сақлаш, қуролсизланиш ва конверсия, маҳаллий урушлар ва низолар, халқаро терроризм, ёпиқ мамлакатлар). Иқтисодий глобал муаммолар (трансмиллий капитал, иқтисодий урушлар ва низолар, ривожланаётган мамлакатлар қолоқлигининг кучайиши, демографик глобал муаммолар (ривожланаётган мамлакатлардаги демографик портлашлар, аҳоли ортиқчалиги, тараққий этган мамлакатларда аҳоли сони қисқариши, аҳоли қариши, миграция). Шимол-Жануб, халқаро қарздорлик, молиявий-иқтисодий инқирозлар, энергетика муаммосива бошқалар). Ижтимоий глобал муаммолар (аҳоли даромадларидаги табақаланишнинг кучайиши, ишсизлик ва қашшоқлик, тўйиб овқатланмаслик, касаллик ва наркоманияга қарши кураш, мегополислар, инсон салоҳиятини ривожлантириш муаммоси, озиқ-овқат, хавфсизлик, демографик ва бошқалар). Экологик муаммолар (глобал ифлосланиш, радиоактив ифлосланиш, кислота ёмғирлари, тупроқ эрозияси, ресурсларни чекланганлиги, иқлимнинг иссиши, озон қатлами емирилиши, экология ва барқарор ривожланиш, инсон хавфсизлигини таъминлаш муаммоси, жаҳон океани муаммоси ва бошқалар). Шимол-Жануб муаммоси. Камбағаллик муаммоси. Озиқ-овқат муаммоси. Демографик муаммо. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг цикллилиги тарихи ва унинг ривожланиш

қонуниятлари. 1-цикл – XIIIаср ўрталари-XV аср охири. 2-цикл – XVIаср ўрталари-XVII аср иккинчи ярми. 3-цикл – XVIIIаср. 4-цикл – 1840-1920 йиллар. 5-цикл – XX аср 60-йиллар охири-ҳозирга қадар. Халқаро савдонинг устун даражада ривожланиши. Глобализациянинг циклик ривожланиш қонуниятлари: халқаро савдонинг устун даражада ривожланиши; инфляция ва олтин нархининг циклик ўзгариши; фойда нормасини пасайиши ва нархнинг бараварлашуви. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви босқичлари: 1. 1980-1920 йиллар – хом ашё манбаларини эгаллаб олиш. 2. 1920-1970 йиллар – маҳсулот сотиш бозорларини эгаллаш. 3. 1970 йилдан ҳозирги кунга қадар – инвестиция таркибининг оптималлашуви, глобал ёки минтақавий халқаро иқтисодий интеграция афзалликларидан фойдаланиш, глобал рақобатбардошликни таъминлаш, сақлаш ва ошириш асосида жаҳонни тез ўсиб бораётган бозорларида ўрнини мустаҳкамлаш. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашувини қарама-қаршилиқлари: мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, мамлакатлар ва тегишли молия институтлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, айрим мамлакатлар билан ТМК ва жаҳон молия марказлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, йирик ТМК, ТМБ ва халқаро молия марказлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар.

Глобал иқтисодиёт шаклланишида халқаро савдонинг ўрни. Глобал бозорлар шаклланиши ва уларнинг хусусиятлари. Глобаллашув шароитида эркин савдо ва протекционизм савдо сиёсатларини ўртасидаги нисбат. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида ташқи савдони тартибга солишни тариф ва нотариф усуллари ўртасидаги нисбат. Халқаро савдонинг географик ва товар таркиби ҳамда уларни диверсификациялаш йўналишлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро савдо микёси, таркиби ва йўналишларига таъсири. Халқаро савдо динамикаси ва ўзгариш хусусиятлари. Халқаро савдода ривожланган мамлакатларнинг тутган ўрни. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида ташқи савдонинг аҳамияти. Халқаро савдо ривожланишида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг роли. Умумжаҳон савдо ташкилотининг жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ва ташқи савдо эркинлашувидаги фаолияти. Минтақавий иқтисодий интеграцион бирлашмалар доирасида халқаро савдони эркинлаштириш жараёнлари. Умумжаҳон савдо ташкилоти ва Ўзбекистон. Ўзбекистоннинг Халқаро савдо ташкилотига киришининг афзалликлари ва йўқотишлари.

